

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИК ОСОЙИШТАЛИК  
ВА ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИ ХИЗМАТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**ТИКУВ-ТРИКОТАЖ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИ УЧУН САНИТАРИЯ  
ҚОИДАЛАРИ, НОРМАЛАРИ ВА ГИГИЕНА НОРМАТИВЛАРИНИ (0031-22-СОН  
САНҚВАН) ТАСДИҚЛАШ ТҮҒРИСИДА**

[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 30 августда ҳисобга  
олинди, ҳисоб рақами 107]

Ўзбекистон Республикаси «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги түғрисида»ги [Қонуни](#) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 июлдаги ПФ-6035-сон «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари түғрисида»ги [Фармонига](#) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати **қарор қиласи**:

1. Тикув-трикотаж саноати корхоналари учун санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари (0031-22-сон СанҚвАН) [иловага](#) мувофиқ тасдиқлансан.
2. «Трикотаж корхоналари учун гигиеник талаблар» (0262-09-сон СанҚвАН, 2009 йил 16 февраль) ўз кучини йўқотган деб топилсан.
3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Курилиш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси билан келишилган.
4. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Бошлиқ**

**Б. ЮСУПАЛИЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 27 июль,  
19-сон

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги  
хизматининг 2022 йил 27 июлдаги 19-сон қарорига  
ИЛОВА

**Тикув-трикотаж саноати корхоналари учун санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари (0031-22-сон СанҚвАН)**

Мазкур санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари (бундан бўён матнда санитария қоидалари деб юритилади) тикув-трикотаж саноати корхоналарига қўйиладиган санитария-гигиеник талабларни белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур санитария қоидалари барча тикув-трикотаж саноати корхоналарига нисбатан татбиқ этилади.
2. Тикув-трикотаж саноати корхоналарини лойиҳалаштириш, куриш ва фойдаланишга қабул қилишда ушбу санитария қоидалари талабларига риоя қилиниши зарур.
3. Тикув-трикотаж саноати корхоналарини лойиҳалаштириш, куриш ва фойдаланишга қабул қилишда одамларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфсиз бўлган дезинфекция воситалари, курилиш ва пардозлаш материаллари ҳамда технологиялардан фойдаланилиши лозим.
4. Тикув-трикотаж саноати корхоналаридағи заарали ишлаб чиқариш омиллари мазкур санитария қоидаларининг **1-иловасидаги** рухсат этилган миқдор ёки даражадан юқори бўлмаслиги лозим.

**2-боб. Тикув-трикотаж саноати корхоналарининг ҳудуди, бино ва хоналарига қўйилган талаблар**

5. Тикув-трикотаж саноати корхоналарини куриш учун майдонни танлаш, бино ва иншоотларни жойлаштириш, режалаштириш ва пардозлаш ҳамда ҳудудларни кўкаламзорлаштириш ШНҚ 2.07.01-03 «Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларини ривожлантириш ва қурилишини режалаштириши», СанҚвАН 0350-17 «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишнинг санитария нормалари ва қоидалари» ва бошқа техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатларга мувофиқ амалга оширилади.

6. Кийим алмаштириш хоналари, ювениш ва бошқа қўшимча хоналарда ҳар куни намли тозалаш ишлари ўтказилиши лозим.

7. Тикув-трикотаж саноати корхоналаридағи иситиш, совутиш ва вентиляция тизими СанҚвАН 0324-16 «Ишлаб чиқариш бинолари микроиклимини санитар-гигиеник меъёрлари»га мувофиқ бўлиши лозим.

8. Тикув-трикотаж саноати корхоналарининг барча ишлаб чиқариш, майший ва қўшимча хоналарида чангни бартараф этувчи механик тортиб олувчи вентиляция тизими бўлиши лозим.

9. Тикув-трикотаж саноати корхоналари цехларидан чиқувчи ҳаво чанг тутувчи фильтрларда тозаланган ҳолда атмосферага чиқарилиши лозим.

10. Иссик юзага эга бўлган трубали ўтказгичлар, деворлар, қуритиш аппаратлари ва бошқалар иссиқликни изоляцияловчи материаллар билан қопланиши лозим.

11. Тикув-трикотаж саноати корхоналарининг барча ишлаб чиқариш цехларида тоза ичимлик суви билан таъминловчи маҳсус жойлар ташкил қилиниши зарур.

**3-боб. Тикув-трикотаж саноати корхоналарида ёритиш, шовқин ва тебранишга қўйилган талаблар**

12. Тикув-трикотаж саноати корхоналари мазкур санитария қоидаларининг **2-иловасида** келтирилган талабларга мувофиқ ёритилиши лозим.

13. Тикув-трикотаж саноати корхоналари цехларида бузилган ёки куйган чироқлар носозлик юзага келган пайтнинг ўзида алмаштирилиши, шунингдек улар чангдан доимо тозалаб турилиши лозим.

14. Иш жойидаги шовқин даражаси СанҚвАН 0325-16 «Ишчи жойларда рухсат этилган шовқин даражаларини санитария нормалари», тебраниш даражаси эса СанҚвАН 0326-16 «Ишчи жойларда умумий ва локал тебранишларни санитария нормалари» талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

15. Шовқин даражаси юқори бўлган ишлаб чиқариш биноларининг (хоналарининг) девор ва шифтлари овозни ўзига сингдирадиган материаллар (намат, торф ва бошқалар) билан қопланиши зарур.

16. Иш жойларидаги технологик жараённинг ўзига хос хусусиятлари сабабли, шовқин даражаси меъёрдаги талаблардан ошиб кетган тақдирда, барча ишчилар шовқиндан асрайдиган шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланиши лозим.

#### **4-боб. Тикув-трикотаж саноати корхоналари ходимларига қўйиладиган тиббий-профилактик талаблар**

17. Тикув-трикотаж саноати корхоналари ишчилари Ходимларни тиббий қўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги [низомга](#) (рўйхат раками 2387, 2012 йил 29 август) мувофиқ даврий тиббий қўрикдан ўтиб боришлари лозим.

18. Тикув-трикотаж саноати корхоналарида хотин-қизлар меҳнатини ташкил қилишда СанҚвАН 0364-18 «18 ёшдан кичик бўлган қизлар ва аёллар учун оғир юкларни қўлда қўтариш ва уларни жойлаштиришда йўл қўйилиши мумкин бўлган юкламаларнинг меъёрлари» талабларига риоя қилиниши лозим.

19. Тикув-трикотаж саноати корхоналари маъмурияти ишчиларни заарали таъсиrlардан ҳимоялаш мақсадида қўйидаги шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлашлари лозим:

нафас олиш аъзолари учун шахсий ҳимоя воситалари (ниқоблар, бинтлар, респираторлар);

ифлосланишлардан ҳимоя қилиш учун маҳсус кийимлар;

оёқлар учун шахсий ҳимоя воситалари (бўяш бўлимларида кимёвий моддалардан ҳимоя қилувчи маҳсус пойабзаллар бўлиши лозим);

эшитиш органлари учун шахсий ҳимоя воситалари (қулоқ супрасини ёпиб турувчи қулоқчинлар, ташқи эшитиш канали учун маҳсус пахталар).

20. Мазкур санитария коидаларини ишлаб чиқувчилар рўйхати [3-иловада](#) келтирилган.

**Тикув-трикотаж саноати корхоналари учун санитария коидалари, нормалари ва гигиена  
нормативларига  
1-ИЛОВА**

#### **Тикув-трикотаж саноати корхоналаридағи заарли ишлаб чиқариш омиллари ва уларнинг рухсат этилган миқдори ёки даражаси (хавфлилик синфи, аниқлаш услуби)**

<b>Ишлаб чиқариш омиллари</b>	<b>Катталик (рухсат этилган миқдор ёки даражаси)</b>	<b>Хавфлилик синфи</b>	<b>Аниқлаш услуби</b>
1. Пахта толаси chanги	4,0 мг/м <sup>3</sup>	IV	Иш жойлари ҳавосидаги чанг миқдори гравиметрик усулда аниқланади. Бунда, ҳавони сўрувчи (аспирация) фильтрлари ёрдамида 10 дақиқа давомида намуна олиниши ва ҳавонинг сўрилиш ҳажми камида 20 л/мин бўлиши керак. Фильтрдан ўтган ҳаводаги чанг миқдори қўйидаги формула ёрдамида аниқланади: $X = (K_2 - K_1) : V_0 = \text{мг}/\text{м}^3$ , яъни:

			X — чанг концентрацияси, мг/м <sup>3</sup> ; K <sub>1</sub> — намуна олишдан аввал фильтрнинг вазни; K <sub>2</sub> — намуна олингандан кейинги фильтрнинг вазни; V <sub>0</sub> — ўртача шароитда ҳаво ҳажми (ҳаво ҳарорати 20 °C, атмосфера босими 760 мм. симоб устуни шароитида).
2. Сирка кислотаси парлари	5,0 мг/м <sup>3</sup>	III	Иш жойларидаги ҳаво таркибида сирка кислотаси парларини аниқлаш хроматография усули билан амалга оширилади. Ҳаво таркибидаги сирка кислотаси парлари қаттиқ сорбентда (сингдирувчи модда) йигилади. Хроматографнинг парловчи бўлимида сорбентдан сирка кислотаси ажратиб олинади ва унинг микдори аниқланади.
3. Шовқин	80 дБ		Иш жойларидаги шовқин даражаси ГОСТ ISO 9612-2016 «Шовқинни инсонга таъсирини баҳолаш учун ўлчаш» ва Сан ҚвАН 0325-16-сон «Ишчи жойларда йўл қўйилиши мумкин бўлган шовқин даражаларининг санитар меъёрлари»га мувофиқ баҳоланади.
4. Умумий тебраниш	92 дБ		Иш жойларида умумий тебраниш даражалари частотали таҳлил услубида аниқланади. Бунда, тебраниш давомийлиги ва тебраниш дозаси ҳисобга олиниши лозим. Тебранишнинг даражаларини гигиеник баҳолаш Сан ҚвАН 0326-16 «Ишчи жойларда умумий ва локал тебранишнинг санитар меъёрлари»га мувофиқ ўтказилади.
5. Микроиқлим	Йилнинг совук даврида: ҳаво ҳарорати 15 — 21 °C, нисбий намлик 40 — 60 фоиз, ҳаво ҳаракати эса 0,4 м/сек. дан кам бўлмаслиги. Йилнинг илиқ даврида: ҳаво ҳарорати 21 — 29 °C, нисбий намлик 40 — 60 фоиз, ҳавонинг ҳаракати 0,4 —		Иш жойларидаги микроиқлимни гигиеник баҳолаш Сан ҚвАН 0324-16-сон «Ишлаб чиқариш корхоналари бинолари микроиқлимининг санитар — гигиеник меъёрлари»га асосан амалга оширилади. Психрометр ёрдамида ҳаво ҳарорати ва нисбий намлик, анемометр ёрдамида ҳаво ҳаракатининг тезлиги, инспекцион актинометр ёрдамида иссиқлик нурланиши ўлчанади. Микроиқлим шароитларини баҳолаш иш бошланишидан ва тушлик танаффусидан аввал ҳамда иш куни охирида ўтказилади.

0,7 м/сек, ҳарорат индекси эса 30,0 °C бўлиши лозим.		
---	--	--

Тиқув-трикотаж саноати корхоналари учун санитария қоидалари, нормалари ва гигиена  
нормативларига  
2-ИЛОВА

### Тиқув-трикотаж саноати корхоналари учун ёритиш нормалари

Ишлаб чиқариш цехлари номи	Кўриш билан боғлиқ ишларнинг разряди, разряд ости	Сунъий		Табиий		Бирлаштирилган	
		Ёритувчанлик (лк)		Табиий ёруғлик микдори (фоизда)		Табиий ёруғлик микдори (фоизда)	
		комбинирланган ёритишида	умумий ёритишида	комбинирланган ёритишида	юкори ва ёнлама	комбинирланган ёритишида	юн
Тўкиш	2 в	2000	500	7,0	2,5	4,2	
Бўяш	6	-	200	2,0	0,5	1,0	
Бичиш	2 г	1000	300	7,0	2,5	4,2	
Тикиш	2 в	2000	500	7,0	2,5	4,2	
Дазмол қилиш	6	-	200	2,0	0,5	1,0	

Тиқув-трикотаж саноати корхоналари учун санитария қоидалари, нормалари ва гигиена  
нормативларига  
3-ИЛОВА

### Ишлаб чиқувчилар рўйхати:

Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти (СГвАКК ИТИ).